*Ҳаёт даражаси, демакки, замонавий компьютерлар ҳақида сўз кетса, аввало, IBM, Dell, Hewlett-Packard каби компанияларни ёдга оламиз. Сифатли компьютерлар ишлаб чиқариш борасида, шубҳасизки, АҚШ аллақачон ном қозонган. Ўзбекистон бозорида эса миллий савдо маркаси — «TS -Technologi»нинг номи ҳам тилга тушди.*

*«TS-Technologi» фаолиятига 1998 йилда асос солинган. Ўшанда «ТС-Технология» илмий-ишлаб чиқариш маркази Самарқандда рўйхатга олинган эди. Марказ муассислари дастлаб катта мақсадлар билан компьютер ва оргтехникаларни сотиш бўйича воситачиликни йўлга қўйдилар. Биринчи босқичда техникалар кичик-кичик партияларда сотилган бўлса, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, марказ Ўзбекистон бозоридаги йирик-йирик мижозларга катта партияларда ҳам ўз маҳсулотини етказиб бера бошлади. У бу билан чекланиб қолмай, халқаро фирмалар билан ҳам алоқа ўрнатишга киришди. Бугунги кунда эса, жаҳон миқёсидаги Compa, Lntel, Samsung APC каби компанияларнинг шеригига айланган.*

# «TS-Technologi»: МИЛЛИЙ САВДО МАРКАСИ

Марказ базасида «TS-Technologi» Ўзбек-Америка қўшма корхонасининг барпо этилгани ва рўйхатдан ўтказилгани муваффақиятли бизнес фаолиятининг мантиқий давоми бўлди. У номдор компаниялар томонидан компьютер бозорлари кенг қўламда забт этила бошланганига қарши ўлароқ, компьютер техникасини йиғиш ускуналарини сотиб олди. Шубҳасиз, ўша кезларда кўплаб компьютерчи ёки тадбиркорлар ўзларининг шахсий русумдаги компьютерларини яратиш ҳаракатига тушиб қолдилар. Бироқ кўпчилик шубҳали бутловчи қисмлардан компьютер йиғишдан нарига ўтолмади. Фақат «TS-Technologi» компанияси мутахассисларигина таваккал қилган ҳолда техника ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, ўз мақсадларига эришдилар. Маҳсулот савдо маркаси сифатида рўйхатга олинди, барча сифат кўрсаткичлари талаблари бўйича жиддий назоратдан ўтиб, тегишли сертификат олинди. Шу тариқа «TS-Technologi» компьютер техникасини амалдаги эҳтиёжга қараб ишлаб чиқарадиган Ўзбекистонда биринчи ва ягона компанияга айланди. Унинг режаси талабнинг ўсиб бораётгани муносабати билан комьютер техникасини ишлаб чиқаришни кўпайтиришдир. Кўр-кўрона импорт маҳсулотларига интилиш даври ўтиб бораяпти. Кўплаб амалий бозор вакиллари ушбу компания чиқараётган маҳсулотларни маъқул кўрмоқда. Компьютерчилар эндиликда бизнинг компьютерларимизни Dell, IBM, HP ва бошқа компанияларнинг маҳсулотлари қаторига қўймоқдалар. Бу эса, «TS-Technologi» қўшма корхонаси ўзининг юқори сифатли иш фаолияти билан нуфузли «миллий савдо маркаси» унвонига тенглашмоқда. Бу қуруқ гап эмас, албатта. Ишлаб чиқариш ускуналари доимий таъминотчилардан харид қилинаётганлиги туфайли маҳсулотнинг нархи унинг сифат кўрсаткичларига муносиб бўлишига эришилмоқда. Компьютер оламида экологик тоза ишлаб чиқариш масаласи ҳақида жиддий қайғурилмоқда. Шу боис бутловчи қисмларни ўзларида ишлаб чиқаришдан аллақачон воз кечилди. Энди уларни Корея, Хитой ва Тайванддан харид қилишмоқда. Америкалик ва европалик ишлаб чиқарувчиларга эргашган ҳолда, хитойлик, кореялик ва тайванлик мутахассислар бутловчи қисмлар сифатини шу даражада оширишга эришдиларки, машҳур, савдо маркасига эга бўлганлар ҳам унинг сифатидан қаноат ҳосил қилиб бажонидил харид қилмоқчилар. Бундай вазият бизнинг ишлаб чиқарувчиларимизга ҳам жуда қўл келди: компьютерларимиз учун бутловчи қисмлар ҳам IBM ва Dell каби дунёга машҳур компаниялар харид қилаётган завод ва цехларда тайёрланиб келтирилмоқда. «TS-Technologi», шунингдек, анъанага амал қилган ҳолда маҳсулотларнинг тўлиқ комплектини ўзига хос услубда тайёрланган ягона фирма идишларига жойлаб чиқармоқда. «Чиройли идиш нима қилиб берарди?» дегувчилар ҳам топилиши мумкин. Гап шундаки, бу маҳсулотнинг кўримлилиги ва ишончлилигигина эмас, балки «TS-Technologi»нинг кўплаб мутахассислари узоқ йиллар олиб борган тадқиқот ва тажрибанинг самараси, меҳнат ва билимнинг мевасидир. Бунга, аниқроғи, улар томонидан ишлаб чиқилган тест синовдан ўтказиш технологик чизмаси воситасида эришилмоқда. Ишлаб чиқарилаётган барча техникаларнинг мослиги, пишиқ ва мустаҳкамлиги турлича тартибда синовадан ўтказилади. Бунинг натижаси эса кутилганидек, яъни харидор мақбул муддатда текширувдан муваффақиятли ўтган маҳсулотга эга бўлади.

«Миллий савдо маркаси» билан ишлаб чиқарилаётган компьютерларга уч йил муддатга кафолат берилиб, бу даврда сервис хизмати кўрсатиб борилади. Бу «TS-Technologi» учун яна бир ижобий омилдир.

Муҳими, компания истеъмолчиларга кафолатли хизмат кўрсатиш масаласини мукаммал ҳал этди. Республикамизнинг барча вилоятларида муаллифлаштирилган сервис-марказлар мавжуд бўлиб, улар кафолатли таъмирлаш учун зарур техника ва бутлов қисмларининг алмаштирув фондига эга.

Фирма жамоаси ишида ҳар бир мижозга якка тартибда ёндашиш тамойилига амал қилаяпти. Касб маҳоратини ошириш бўйича доимий тренингдан ўтиб турувчи малакали мутахассислар талаб қилинаётган техниқани танлаш ёки таклиф этилаётган моделларга ўзгартиш киритиш юзасидан исталган мижозга зарур маслаҳатларни бермоқдалар, дастур билан таъминланган, нархи ҳам мақбул бўлган шахсий компьютерларни таклиф этамоқдалар. Уларнинг бутловчи қисмлари ҳам шу ерда, яъни омборда тайёр туради. Ана шу омилларнинг ҳаммаси компаниянинг барқарор ривожланишини ва мижозлар ўртасида ҳурмати ортиб боришини таъминламоқда.

Шундай қилиб, компаниянинг Ўзбекистонда ишлаётганига беш йилдан ошди. Замонавий ўлчов нуқтаи назаридан қарасак, бу — компьютер ускуналари бозори учун салмоқли муддат. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, ана шу муддат ичида мазкур жамоа муҳандислик техникаси бозорида ўз ўрнини эгаллади. Бугун эса тобора ўсиб бораётган миллий савдо маркаси билан фахрланишга ҳақлидир. Эътиборлиси, «TS-Technologi» компаниясини ўзига шерик қилиб олаётган мижозлар кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Бу ҳол, ўз навбатида сифатли хизмат ва маҳсулотнинг бозори ҳеч қачон касод бўлмаслигидан далолат беради.

**Александр РОМОВ.** t

## Она юрт наволари

**Маълумки, ҳар йили мамлакатимизда «Азиз она юртим наволари» миллий эстрада қўшиқлари танловининг ўтказилиши анъанага айланиб қолди.**

**Яқинда Фарғонада мазкур танловнинг вилоят босқичи бўлиб ўтди.**

**Танловда Наргиза Ўринбоева, Акбаржон Холдоров, Иқбол Қирғизовлар ғолиб деб топилди. Улар энди танловнинг республика босқичида иштирок этадилар.**

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Янгиликлар, воқеалар, далиллар



Ўзбекистон–Ҳиндистон

## Илдизи мустаҳкам дўстлик

Ҳудудий жиҳатдан жаҳонда олтинчи ўринни эгалловчи Ҳиндистон бугунги кунда 28 та штат ва 7 та иттифоқий ҳудудлардан ташкил топган. Унинг умумий майдони 3287263 квадрат километрга, аҳоли сони эса 1 миллиард 27 миллионга тенгдир.

Ҳиндистон азал-азалдан фан ва технология соҳасида ўз анъаналарига эгалигини ва XX асрда кўзга кўринарли ютуқларга эришганини барча эътироф этган. Буюк ҳинд олимлари Хоми Бхабха ва Викрама Сарабхаининг улкан хизматлари туфайли ядровий фан ва атомдан тинч мақсадларда фойдаланиш бобида салмоқли ютуқларга эришилди. Ҳиндистон фазовий тадқиқотлар, сунъий йўлдошлар технологиясидан фойдаланиш ва йўлдошларни самога учириш борасида янги чўққиларни забт этди. У информатика, электроника ва айниқса компьютерларни дастурлар билан таъминлаш соҳаларида анча тараққий этган мамлакатдир. Айни пайтда Ҳиндистоннинг дастурлар билан таъминлаш саноати 15 миллиард АҚШ долларига тенг сармояга эга дея баҳоланмоқда. Мамлакат электрон саноати маҳсулотларига бутун дунёда талаб катта ва ушбу саноатда 45 фоиз ўсиш қайд қилинди.

Ҳиндистон ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик бутун дунёга яхши маълум. Чунки бу ҳамкорлик тарихий асосга эга бўлиб, вақт синовидан ўтган. Икки мамлакат минтақада хавфсизлик ва барқарорлик масаласида муштарак қарашларга эга. Ҳиндистон ҳукумати Ўзбекистоннинг экстремизм ва терроризмга қарши олиб бораётган собитқадам сиёсатини юқори баҳоламоқда. Президент Ислом Каримовнинг 2000 йилда Ҳиндистонга қилган сафари ҳинд-ўзбек муносабатлари тарихида беқиёс аҳамиятга эга бўлди. Ташриф давомида 30 та шартнома имзоланиши ушбу ташриф муваффақиятли ва самарали ўтганлигидан далолат бериб турибди.

Ўзбекистонда ҳинд инвесторлари иштирокида 70 дан зиёд корхоналар барпо этилган. Булардан 24 таси 100 фоиз ҳинд сармояси асосида фаолият кўрсатмоқда. Доришунослик, телекоммуникация ва меҳмонхоналар мажмуи билан боғлиқ соҳалардаги ҳамкорлик айниқса, яхши йўлга қўйилганлигини эътироф этиш жоиздир. Бунга Ҳиндистоннинг — Консалтинг Индия ЛТД, Фешин Фактори Интернешнл ЛТД, Доктор Редди Лабораторис ЛТД сингари компаниялари амалга ошираётган ишларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Ўзбекистон-Ҳиндистон савдо алоқалари ҳам тез суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Кейинги йилларда савдо-сотиқ ва сармоя ёткизиш ҳажми 16 баравар ортди. Яқин келажакда Тошкентда яна битта уч юлдузли ҳинд меҳмонхонаси ҳамда тайёр чарм маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхона фойдаланишга топширилади.

Ҳиндистон ва Ўзбекистон ўртасида техникавий ва иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ҳиндистон дастури асосида таълим соҳасида самарали ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган. 2003 йилнинг январь ойида Ўзбекистон олий ва ўрта махсус таълим вазири С. Ғуломов Ҳиндистонга сафар қилди. Ўзбекистон радиосидан ҳар куни ҳинд тилида бир соатлик эшиттиришлар бериб борилади. Тошкентдаги ўрта мактаблардан бирига Лаъл Баҳодир Шастри номи берилган. Тошкентда фаолият кўрсатаётган Ҳиндистон Маданият маркази ўзбекистонликлар учун Ҳиндистон томон очилган дарича ролини ўйнамоқда. Ҳинд киноусталари Ўзбекистон ҳақида бир соатлик ҳужжатли фильмни суратга олдилар. 2003 йилда Ўзбекистонда ҳинд кинофильмлари фестивалини ўтказиш мўлжалланган. Ҳиндистон ташқи ишлар вазирлиги таклифи билан «Ҳиндистон ва Марказий Осиё Исломдан олдинги даврда» номли Ўзбекистон ҳақидаги китоб чоп этилди. Ўзбекистон телевидениеси «Махабхарат» ва «Рамаяна» номли машҳур телесериалларни намойиш этди. Ўзбекистон радиосининг «Ёшлар канали» «Намастэ Ҳиндистон» номли дастурни мунтазам эфирга узатмоқда. Ўзбекистон телевидениеси Ҳиндистоннинг «Дурдаршан» кўрсатувларини ўзбек томошабинларига намойиш этмоқда. 2002 йилнинг декабрь ойида Янги Деҳлининг Талкатора ўйингоҳида ўзбек кураши бўйича мусобақалар бўлиб ўтди. Буларнинг бари Ҳиндистон ва Ўзбекистон ўртасидаги маданий ҳамкорликнинг нечоғлик фаоллигидан далолат бериб турибди.

**Алок ШЕКХАР,**
**ҳинд журналисти.**

## Жабрланганларга товон пули

***Россияда Иккинчи жаҳон уруши даврида Германия ва Австрияга мажбуран олиб кетилган ва қулларча ишлатилган одамларга товон пули тўлаш бошланди. Шу мақсад учун Германия ҳукумати 4,5 миллион евро ажратди. Бу 7,8 минг кишига бўлиб берилади. Товон пули оладиган фуқароларнинг кўпчилиги Ленинград, Новгород вилоятларида ва Санкт-Петербург шаҳрида истиқомат қилади. Концлагерларнинг собиқ тутқунлари ва ирқий камситилганларга 5752 евродан, концлагерларга тенглаштирилган қамоқхоналар маҳбусларига 1533 евродан, саноат корхоналарида мажбурлаб ишлатилганларга 751 евродан, қишлоқ хўжалигида мажбурлаб ишлатилганларга эса 268 евродан товон пули тўланади.***

***Ҳозирги Австрия ҳудудида мажбурий ишлатилганлар учун тўланадиган товон пулини шу мамлакат ҳукумати ўз бўйнига олди. Австриянинг «Яратиш, тинчлик ва ҳамкорлик» фонди ушбу мақсадлар учун 6,7 миллион евро ажратди. Бу пул 3,4 минг фуқарога тарқатилади. Қулдек ишлатилган нацизм қурбонларига 7630 евро берилади. Саноат корхоналарида, давлат ташкилотлари, темир йўл, рейх почтасида мажбуран ишлатилганларга 2544 евро, қишлоқ ва ўрмон хўжалигида ишлатилганларга 1453 евро берилади. Бундан ташқари, мажбурий хизмат пайтида махсус ажратилган туғруқхоналарда фарзанд кўрган ёки ҳомиласини олиб ташлашга мажбур этилган аёлларга товон пулига яна 363 евро қўшиб берилади. Бу ҳақда «ИТАР-ТАСС» хабар берган.***



***Япониялик ишбилармон Ясимуцу Хасиба бундан уч кун бурун Филиппинда ўғирлаб кетилди.***

ЭНГ ЯНГИ GSM ТАРМОҒИ
БУХОРО, ВОБКЕНТ, ҒИЖДУВОНДА






ТОШКЕНТ
САМАРҚАНД
УРГУТ
КАТТАҚЎРҒОН
УРГАНЧ
НУКУС
ХИВА
ЧИРЧИҚ
ЧОРБОҒ
ЧИМЁН
БЕЛДЕРСОЙ
БУХОРО
ВОБКЕНТ
ҒИЖДУВОН

БЕПУЛ УЛАШ ДАВОМ ЭТМОҚДА!

SMS — (ҚИСҚА МАЪЛУМОТ ХИЗМАТИ)
VMS — (ОВОЗЛИ МАЪЛУМОТ ХИЗМАТИ)

GSM ТАРМОҒИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ РЕЖАЛАРИ
(Тарифлар 20% қўшимча қиймат солиғи билан АҚШ долларида кўрсатилган),
2002 йил 1 ноябрдан бошлаб амал қилади.

| Хизмат кўрсатиш режалари | Абонент тўлови (АҚШ долларида) | Кириш алоқаси баҳоси (АҚШ долларида) | Чиқиш алоқаси баҳоси (АҚШ долларида) |
|---|---|---|---|
| Эксклюзив | 2,0 | 0.08 | 0.10 |
| Престиж | 125,0 | Бепул | |

Илова:
«Уздунробита» ҚК тармоғи бўйича GSM русумида ягона рўйхатга олиш зонаси амал қилади, яъни танланган хизмат кўрсатиш режаси тарифлари GSM тармоғи доирасида кучга эга.

UZDUNROBITA
first cellular

Кечаю - кундуз маълумотлар хизмати:
130-09-09, 131-09-09, 103-09-09
"Уздунробита" ҚК телефонларидан - 611.

Тошкентдаги сервис маркази манзили:
Усмон Юсупов кўчаси, 16-уй ("Лабзак").
www.uzdunrobita.uz

УзАСИ АА №0000104

Ёднома

*Баъзан кўп билган нарсанг ҳақида ҳам бирданига гапни қаердан бошлашни билмай қийналиб қоласан. Ғафур Ғулом тўғрисида ёзаман деганимда мен шундай аҳволга тушаман.*

*Улуғ шоиримизнинг уйида мен тез-тез бўлиб турардим. Ҳар борганимда, албатта, янги, бой таассурот билан қайтар эдим. Чунки бу хонадонга қай пайт бормай, доимо шеър ҳақида, адабиёт ва ҳаёт ҳақида суҳбат бўлади, ҳамиша бир анжуман устидан чиққанман. Уни холи топган вақтларимни жуда кам эслайман. Эшигининг табақалари доимо очиқ, сахий дастурхон ёзиқ.*

# Ғафур Ғуломнинг бир куни

Эрталаб газета ёки журналларнинг мухбирлари билан суҳбатлашгани устидан чиқсанг, тушда депутат сифатида қайсидир бир тумандан келган ўз сайловчиларининг талабларига қулоқ солиб ўтирган пайтига тўғри келасан. Бу файзиёб ҳовлида Андижондан келган турли касбдаги шоирнинг улфатларини ҳам, республиканинг атоқли шоирларидан тортиб, энди қўлига қалам олган ҳаваскор ижодкорларни ҳам, қўйинг-чи, ҳар тоифа кишиларни учратасан.

Халқимизнинг севикли ҳофизи, бастакор Юнус Ражабий Ғафур Ғулом билан туғишгандек қадрдон эди. Буларнинг суҳбатларида жуда кўп бўлганман. Юнусвой ака бу хонадонга янги яратган куйларини машқ қилиб бериш учунгина келмай, балки музикамиз тарихи, айрим халқ қўшиқларининг яратилиши ҳақида ўзи ҳали эшитмаган маълумотларни билиб қайтарди, ҳозирги замон ўзбек халқ музикасининг ютуқ ва камчиликлари, унга бўлган талаб тўғрисида икки билимдон бир касб эгасидек суҳбатлашарди. Умуман, турли касб кишиларининг Ғафур Ғулом билан, Ғафур Ғуломни халқ билан бунчалик яқинлаштириб, улфат қилган нарса ҳам Ғафур аканинг одамлар қалбини, турли-туман кишиларнинг феъли-атворини, тилини, савиясини яқиндан билишида эди.

Ғафур аканинг кўпчилик шеъри кишилар билан бўлган суҳбат вақтида куртак очиб, етилади. Унинг шеърларини халқчил, кишилар қалбига яқин бўлишининг сабабларидан бири ҳам шунда. Ҳатто баъзи шеърларини шу суҳбат орасида, кишиларнинг гурунги вақтида ёзиб, уларга ўқиб ҳам берарди.

Адабиётга тааллуқли кўп мажлисларда, нутқларда ижодкорлар учун ҳаётни ўрганиб билиш ҳаво-сувдек зарур эканлиги ҳақида жуда кўп гап юрилади. Бу жуда фойдали нарса. Ҳаётни чуқур ўрганмай маъқул асар яратмоқ мушкул. Лекин ҳаётни ўрганиш нима эканлигини тўғри тушуниб олмоқ керак экан. Ҳаётни ўрганмоқ, бу – боғу роғларни, далаю қирларни ёки оғир меҳнат жараёнлари тугагандан сўнгги тунлари чироқлари чарақлаган жимжит ГЭСлар қирғиғини сайр этиш эмас, балки одамлар қалбини билиш демакдир.

Одамсиз ҳаёт йўқ.

Ғафур Ғулом ҳаётни — халқ қалбини, тилини, одамларнинг орзу умидларини, шодлик ва қайғуларини билиш деб тушунган ижодкор. Унинг шеърларидаги киши ҳайрон қоларлик содда, халқчил фалсафаси ҳам, сўзларининг кутилмаган даражадаги образлилигининг сири ҳам доимо одамлар билан суҳбатда бўлиши, қадим ва ҳозирги Шарқ ҳамда Ғарб фалсафаси, дунё адабиётини яхши билишнинг самараси бўлган, албатта.

Одамлардан ўрганмоқлик ва уларнинг гапларидан тўғри ва катта хулосалар чиқармоқ учун тингловчининг ўзи ҳам доно ва ўқимишли, мулло одам бўлмоғи керак. Ғафур Ғулом ана шундай одамлардан эди. Ғафур Ғуломнинг ҳаёти ва ижоди ўзи катта бир мактаб. Буни чуқурроқ ўрганишимиз керак. Шунинг учун ҳам ўрганишимиз керакки, бошқаларга ибрат ҳам бўла олсин.



Ғафур ака ҳаётдаги ҳар бир кичик нарсаларни ҳам билишга қизиқарди, назаридан қочирмасди. Зотан, ҳаётда майда нарса йўқ. Ҳар бир кичик деталдан катта хулосалар чиқариш бу шоир ақл кўламининг кенглигига, хаёл кучининг бойлигига, илм даражасининг юксаклигига боғлиқ.

Ғафур аканинг машҳур «Сиёҳдон» шеъри ҳаммага маълум. «Қаловини топсанг қор ёнади» деганларидек, ҳақиқий шоир оддий сиёҳдон орқали ҳам олам аҳамиятига эга бўлган фикрларни айтиши мумкин. Мана шу шеърнинг ёзилишини айтиб бера қолай.

1948 йилнинг 30 апрель куни Ғафур аканикига эрталаб келдим. У жуда барвақт турарди. Гоҳ қушлар сайроғи шоирни, гоҳ шоир шеъри билан қушларни уйғотади. Кўпчилик шеърлари тонгда ёзилади. Унинг ўз таъбирича: «Шеър тонгдек ёқимли бўлсин, тонгнинг нафаси уфуриб турсин». Бу сўзини 1948 йилнинг апрелида эшитган эдим. Чойгача ўтган-кетгандан гапиришиб ўтирдик. Гап орасида ҳазил тариқасида туш кўрганимни айтиб, таъбирини Ғафур ака шу кунларда таҳрир қилаётган тўпламимнинг тезроқ тугалланишига йўйдим. Афсус, таъбир тўғри чиқмади. Тўпламнинг таҳрири кейинга қолди. Туш сабаб бўлди-ю, Ғафур ака дарҳол «Шукруллонинг тушига таъбир» деган шеърни ёзишга киришди.

*Туш кўриб келибсан,*
*ўғлим, йўйими?*
*Ёмғир баракату*
*қуту нишона.*
*Камалак кўрибсан,*
*бунинг таъбири,*
*Етти ранг қуёшу*
*қутлуғ пешона...*

Дам ўтмай каттагина шеър битди. Таажжуб, шу бугунги суҳбатимиз қайси мавзуда бўлмасин, Ғафур ака кетма-кет шеър қилаверди. «Москвич», «Сиёҳдон», «Қизимга», «Гилам», «Лолақизғалдоқ», «Умр» (бу тўртлик тўпламларда йўқ, лекин мен ёд биламан) каби шеърлар бир кунда ёзилди. Мен ёзиб туришдан, Ғафур ака қуйилиб келган шеърларни айтишдан чарчамасди. Бу шеърлар на мавзу, на мазмун жиҳатдан бир-бирига яқин келарди. Буларнинг ҳар бири бир дунё эдики, назаримда, Ғафур Ғулом дунёнинг у бурчидан бу бурчига бир дақиқада сакрай оладиган кучга эга одамдек кўриниб кетди. Мен унинг таланти, маҳорати, ҳозиржавоблиги олдида лол бўлиб қолган эдим. Бу ҳолатимни сезди-ю, «Ҳаётдаги ҳар нарсадан шеър чиқариш мумкин. Мана, кўзинг кўрган, хаёлингга келган бир нарсани айтиб кўр-чи, шеър қилиш мумкинми-йўқми, биламиз-қўямиз». Мен шоирнинг хонасидаги нарсаларни кўздан кечирдим. Бу уйдаги ҳар бир нарса шоирона дид билан танланган. Ҳар нарсада шоирнинг нозик табиати, ўткир фаросатини кўриш мумкин. Иш столи устида немис шоири Гётенинг бронзадан қилинган кичкина бюсти, деворларда гилам ва палаклар, дутор осиғлиқ.

Мен ҳали ҳеч ким шеър қилиш учун қўл урмаган, Ғафур аканинг ўзи ҳам кутмаган нарсани излар эдим. Кўзим сиёҳдонга тушдию, шу ҳақда бир шеър айтишни сўрадим. Ғафур ака сиёҳдонга бир тикилиб гувраниб олди. Нимандир тутмоқчи бўлгандек қўллар кескин ҳаракатга келди, кўзлар ёнди, лаблар ниманидир пичирлай бошлади. Ҳамлага отланган шердек бир он жим қолди-ю, кетма-кетига бирдан сатрлар отила бошлади. Мен ёзиб бордим:

*Алишер довотга*
*қилганда хитоб,*
*Қалами ёдидан*
*кўтарилдиму?*
*Сиёҳдон, азизим,*
*қора кўзлигим,*
*Қора тунлараро*
*ёриган кўзгу!..*
*Улуғ жанг кунларин*
*ёзар чоғимда,*
*Шаҳидлар қонидек*
*дафтарга томдинг.*
*Лаънати малъунлар*
*номин ёзганда,*
*«Мен қора эмасман»,*
*дединг-ку тондинг...*

Мана, қаранг, кичкина сиёҳдондан нақадар катта фикрлар! Ўша куннинг нафасини ифодаловчи хулосалар!

Бунинг сири шундаки, шоир фақатгина сиёҳдоннинг ўзигагина тикилиб қолмай, уни кўзгу қилиб бутун жаҳонни кўрди. Тор мавзу доирасида қолмади.

Ҳозиржавоблик, замонамизнинг ҳар бир катта-кичик ҳодисаларидан четда қолмай, дарҳол ўзининг овози билан ҳисса қўшиш Ғафур Ғулом ижодига хос хусусият. Ҳозиржавоб бўлмоқ бу жуда катта маҳорат, билим, катта талант талаб қилади. Ҳаёт ҳақида кенг тасаввурга эга бўлмасдан, дарҳол кишиларга маъқул шеър яратмоқ қийин.

Мен айтганларим, кўрганларим шоир ижодининг бу – бир куни. Унинг қалбини шеър тўла хазина деса бўлади.

Ғафур ака фаслларнинг энг гўзали, кишилар қалбига шодлик бағишловчи май ойининг ўнинчи кунида туғилган. Балки, шунинг учунми, баҳорнинг бутун фазилатлари унда ўз аксини топган эди. Илк баҳорнинг гулдираклари унинг овозида, баҳор чақмоқларининг ёлқини унинг фикрида, айқириб оққан баҳор тошқинларининг жўшқинлиги унинг шеърларида, назаримда, баҳор унинг қалбига қуйилиб қолгандай эди. Баҳор осмонидай фикри тиниқ, бағри кенг эди.

Вақтни биз умрга, тақдирга ҳакам деймиз. Бу тўғри. Ғ.Ғуломнинг ижодида ҳам бу улуғ ҳакам имтиҳонига бардош бера олмаган асарлар бор. Аммо Ғафур Ғулом бисотида унинг шахсиятини абадиятга ҳамнафас қиладиган асарлари ундан ҳам кўп. Унинг буюк шоирлигини ва адиблигини ҳеч ким инкор эта олмайди. Ҳатто вақт ҳам.

**ШУКРУЛЛО,**
**Ўзбекистон халқ шоири.**

**СУРАТДА: Ғафур Ғулом, қизи Олмосхон ва рус адиби Константин Симонов.**

Мини футбол: Ўзбекистон чемпионати

# Томошабин олқиши — катта мадад

Олий лигада қатнашаётган 8 жамоа аъзолари бу йилги беллашувларнинг I турини ўтказиш учун Жиззахда тўпланишди. Олимпия заҳиралари коллежининг катта залида бўлиб ўтган мусобақаларда Ўзбекистоннинг 4 карра чемпиони «Турон-С» (Андижон), биллур соврин эгаси бўлган «Нафис» (Самарқанд) ҳамда мезбонлар – «Жиззах-С» жамоалари баҳсларга пухта ҳозирлик кўрганликларини намойиш этишди.

Гуруҳдаги барча учрашувларни ғалаба билан якунлаган майдон эгалари 9 очко тўплашиб, навбатдаги босқичлар олдидан ўзларига катта имкониятлар яратишди. Олий лиганинг доимий иштирокчилари, энг кучли жамоалари саналган «Нафис» ҳамда «Турон-С» жамоалари Жиззахда бўлиб ўтган мусобақаларнинг охирги куни ўзаро дуранг (5:5) ўйнашиб, 7 тадан очко жамғаришди.

Дастлабки учрашувлар якунида томошабинлар иштирокида энг яхши футболчилар номлари қайд этилди. Олий лиганинг дебютанти сифатида тўп сурган Қарши шаҳрининг «Зафар» жамоаси дарвозабони Акмал Чориев «энг яхши дарвозабон» деб топилди. «Жиззах-С» ҳимоячиси Алишер Мусурмонов ҳамда «Нур-Файз» (Бухоро)нинг ҳужумчиси Тоир Махсумовлар ҳам энг яхши ўйин кўрсатган футболчилар, деб тан олинди. Дастлабки беллашувларда Саидолим Шарофиддинов («Турон-С») моҳир тўпурар номини қўлга киритди.

Хивалик ҳакам Равшан Ҳусаинов учрашувларни тартибли, одилона ўтказганлиги билан томошабинларнинг олқишига сазовор бўлди.

Чемпионатнинг кейинги турларини Андижонда ўтказиш кўзда тутилаяпти.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Долзарб семинар

Урганчда БМТ болалар жамғармаси — ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Эндокринология илмий-тадқиқот институти томонидан ташкил этилган семинар бўлиб ўтди.

Семинар аҳоли орасида инсон организмида йод моддаси етишмаслиги туфайли келиб чиқадиган касалликларнинг олдини олишга доир қўшма дастур доирасида ўтказилди.

— Оролбўйидаги нохуш экологик минтақага кирадиган Хоразм тупроғида йод кам, — дейди республикамиз Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош педиатр-эндокринологи Нилуфар Иброҳимова. — Оқибатда, инсонлар саломатлиги учун ўта муҳим бўлган бу модданинг етишмаслиги табиий. Болалар жисмида йод етишмаслиги эса ниҳоятда хавфлидир. Бу болаларнинг жисмоний ва руҳий ўсишига таъсир қилади.

Тиббиёт мутахассисларининг жойларда ўтказган бир қанча учрашувларидан сўнг фуқароларнинг маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари вакиллари учун семинар ўтказилди. Йодланган туз сифати устидан қатъий назорат масаласи кўриб чиқилди. Маҳалла фаолларига мамлакатимизда йодланган туз ишлаб чиқараётган барча корхоналар номи кўрсатилган услубий қўлланмалар тарқатилди. Вилоятга 280 дан ортиқ махсус индикатор олиб келинган. Улар ёрдамида санитария шифокорлари билан ҳамкорликда сотилаётган тузнинг сифатини аниқлаш мумкин бўлади.

**Т. ШАМАКОВ,**
**ЎзА мухбири.**


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ

КОМПЬЮТЕР ТЕХНИКАСИ сотиб олиш мақсадида ОЧИҚ ТЕНДЕР (ТАНЛОВ) ЎТКАЗАДИ.

*Очиқ тендерда мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда рўйхатга олинган, солиқ органлари ҳисобида турувчи хўжалик юритувчи субъектлар иштирок этиши мумкин.*

*Тендерда иштирок этишни хоҳловчилар тендер ҳужжатлари тўпламини сотиб олиш учун 2003 йил 5 февраль соат 14.00гача буюртма беришлари ва вазирликнинг Ўзбекистон Республикаси Саноат қурилиш банкининг Ракат бўлимидаги 20203000700114490001, МФО 00435, ИНН 201190645 ҳисоб рақамига Марказий банк курси бўйича эллик АҚШ доллари миқдорида қайтарилмайдиган маблағ ўтказишлари лозим (2002 йил 20 декабрда эълон қилинган тендер ҳужжатларини сотиб олган ташкилотлар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган бўлсалар пул ўтказмасдан иштирок этишлари мумкин).*

***Тендер таклифлари 2003 йил 10 февраль соат 14.00гача қабул қилинади.***

Вазирлик манзили:
Тошкент шаҳри, А.Авлоний кўчаси, 20 «А»-уй.
Маълумот учун телефонлар:
139-49-26, 46-99-04, 46-04-11, факс: 139-17-94.

5761/125


# Билимдонлар синови

Айни пайтда жойларда мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида умумтаълим фанлари бўйича Республика олимпиадасининг вилоят босқичлари бўлиб ўтмоқда.

Олимпиаданинг Тошкент вилояти босқичида 19 умумтаълим фанлари бўйича бир минг ўттиз тўққиз ўқувчи қатнашди. Улар орасидан 15 нафар ўқувчи Республика олимпиадасига йўлланма олди. Бу кўрсаткич ўтган йили 13 нафарни ташкил қилган, республика босқичида эса икки ўқувчи фахрли ўринларни эгаллаган эди.

Бу, шубҳасиз, вилоятда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон ўқувчи ёшларини тақдирлаш ва рағбатлантириш тўғрисидаги қарорига мувофиқ иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш, қўллаб-қувватлаш, улардаги ноёб фазилатларни янада ривожлантириш борасида бир қатор ибратли ишлар амалга оширилаётганидан далолат. Лекин, сезиларли ўзгаришларга қарамай, бу йилги синовларда ўқувчилар математика, физика, чизмачилик фанларидан етарлича бал тўплай олмади.

Кўриниб турибдики, олимпиада нафақат иқтидорли ўқувчиларни юзага чиқариш, балки таълим мазмундорлигини ошириш билан боғлиқ муаммоларни ҳам аниқлашга кўмак бермоқда.

**Л. СУВОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**


ЗАВОДНИНГ РАСМИЙ ДИСТРИБЬЮТЕРИ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН
БЕНЗИН ҚУЙИШ КОЛОНКАЛАРИ (НАРА 4216, 2816) ва ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАРНИ таклиф этади.
НАРА ТМ
Завод мутахассислари томонидан ўрнатиб ва созлаб берилади.
Тўлов шакли турлича.
Телефонлар: 144-28-44, 144-28-04, факс: 144-28-28
8590/2472

Ташкилот ва корхоналар диққатига!

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси пудрат савдоларини ташкил этиш (тендер) республика бошқармасининг
БУХОРО ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ
қуйидаги иншоотларга танлов савдоси (тендер) ўтказилишини эълон қилади.

**Иншоотлар номи:**

1. Ромитан тумани, «Ромитан» жамоа хўжалигидаги агроиқтисодиёт коллежини қайта таъмирлаб, 450 ўқувчига мўлжалланган қишлоқ хўжалик коллежига мослаштириш. *Тугатиш муддати — 2003 йил III-чорак.*
2. Пешку туманидаги 20-сонли касб-ҳунар билим юртини қайта таъмирлаб, 600/100 ўқувчига мўлжалланган коллежга мослаштириш. *Тугатиш муддати — 2003 йил III-чорак.*
3. Ғиждувон шаҳрида 660 ўқувчига мўлжалланган 5-сонли мактаб қурилиши. *Тугатиш муддати — 2003 йил III-чорак.*
4. Ғиждувон шаҳридаги тиббиёт билим юртини қайта таъмирлаб, 600/100 ўқувчига мўлжалланган касб-ҳунар коллежига мослаштириш. *Тугатиш муддати — 2003 йил III-чорак.*

Буюртмачи: Бухоро вилояти ҳокимлиги капитал қурилиш бошқармаси.
Манзил: Бухоро шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 5-уй. Телефонлар: 223-63-26, 223-62-17.

*Қурилиш ишлари давлат марказлашган капитал маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.*

*Танловда иштирок этадиган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: улар етарли касбий ва техникавий малака, молиявий маблағ ва бошқа моддий имкониятларга, ўзаро ишонч, тажриба ва кўникмага, шунингдек етарли ишчи кучи заҳираларига, шартнома (контракт) тузиш учун фуқаролик ҳуқуққа ҳамда қобилиятга эга бўлишлари лозим.*

*Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — пудрат савдоларини ташкил этиш (тендерлар) бўйича республика бошқармасининг Бухоро вилояти филиалига мурожаат қилиш мумкин.*

Манзил: Бухоро шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 5-уй, 18-хона.
Телефон: 223-96-29, факс: 223-97-51.

***Офертлар юқоридаги манзилда соат 10.00дан 17.00гача қабул қилинади.***
***Бир тўплам (комплект) тендер ҳужжатларининг нархи — 50 000 сўм.***
***Таклифларни (оферталар) савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.***
***Тендер савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин соат 10.00да қуйидаги манзилда ўтказилади:***
***Бухоро шаҳри, И.Мўминов кўчаси, 1-уй, вилоят ҳокимиятининг кичик зали.***


## Замонамиз қаҳрамони образи яратиладими?

Республика Ёзувчилар уюшмаси Қашқадарё вилоят бўлими ва вилоят маданият ишлари бошқармаси раҳбарияти ташаббуси билан ўтказилган давра суҳбатида шу ҳақда сўз юритилди. Унда сўзга чиққан ёзувчилар, режиссёрлар, зиёлиларимиз бу борада олиб бораётган ишлари, яратаётган асарлари ҳақида гапирдилар.

**Н. РАВШАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР қабул қилинади.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона

Ҳамма юридик ва жисмоний шахслар диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 10 октябрь 342-сонли қарорига асосан
«ЎЗСТАНДАРТ» АГЕНТЛИГИ РЕСПУБЛИКА МЕТРОЛОГИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ МАРКАЗИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.
Марказ 2002 йил 1 декабрдан иш фаолиятини бошлаган бўлиб, 2003 йилда ўлчаш воситаларини мажбурий давлат қиёслашидан ўтказиш учун шартномалар тузади.
Шартномалар тузиб, жадвалларни тасдиқлаш муддати 2003 йил 1 февралгача.
Маълумот учун телефонлар: 46-38-58, 49-35-07.
6685/2639

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркорлар!
ТОШКЕНТ ШАҲАР МУНИЦИПАЛ БИРЖА МАРКАЗИ
2003 йил 10, 17, 24, 31 январь, 7, 14, 21, 28 февраль, 7, 14, 20, 28 март, 4, 11, 18, 25 апрель кунлари соат 10.00да
Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси биносида ким ошди савдолари ўтказади.
*Ким ошди савдоларига Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, лойиҳадаги Г-64,0 м ва Г-38,0 м кўчаларида ва «Сирғали-14Б» мавзесида жойлашган якка тартибда уй-жой қуриш учун мерос қилиб қолдириладиган, ҳар бирининг сатҳи 0,04 гектар бўлган ер участкаларининг эгалик ҳуқуқи қўйилади.*
Битта ер участкасининг бошланғич нархи — 640000 сўм.
Савдода қатнашиш учун харидорлар ер участкалари бошланғич нархининг 10 фоизи миқдорида гаров пули тўлашлари шарт. Ер участкалари бўйича аризалар қабул қилиш савдо кунидан 3 кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:
Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16 «А»-уй, 402-хона.
Телефонлар: 133-20-74, 132-25-51.
6766/1056


Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси қўмита аъзоси А. Болиевга волидаи муҳтарамаси
**ЗУЛАЙҲО аянинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

«Тафаккур» журнали жамоаси республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари Аслиддин Болиевга волидаи муҳтарамаси
**ЗУЛАЙҲО аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Маиший хизмат маркази» ОАЖ жамоаси собиқ «Ўзмаишийхизматуюшма»си бошқарувининг раиси Зоҳиджон Собировга ўғли
**ШУҲРАТнинг**
бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ректорати ва жамоат ташкилотлари «Ўзбекистон тарихи» кафедраси профессори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби
**Маҳмуд МУСАЕВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон-Америка «Коском» қўшма корхонаси техникадан фойдаланиш хизмати раҳбари
**Марат ЗАҲИДОВнинг,**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этиб, марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ректорати ва жамоат ташкилотлари «Молия ва режа» бўлими ходими Исроил Сангиновга отаси
**Холбой ота САНГИНОВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.


«Халқ сўзи»
«Народное слово»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ



**Таҳрир ҳайъати:**
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.



**БЎЛИМЛАР:**
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92*
*Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60;*
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89;*
*Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм — 132-12-08;*
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 71, 33553 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва А. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — О. РАҲИМОВ.
Навбатчи — М. ЮСУПОВ.
Мусаҳҳиҳ — М. СУЛАЙМОНОВА.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[t] — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 22.10*
1 2 3 4 5 6